

## **Тўплар (футбол тўпи ва бошқалар) мамлакатимизда ишлаб чиқарилган товарлар билан тўлганлиги даражаси ҳамда рақобат муҳити тўғрисида МАЪЛУМОТ**

Рақобат қўмитаси томонидан ТИФ ТН коди 9506620000 остидаги **футбол тўпи** товар бозоридаги рақобат муҳитини таҳлил қилиш ҳамда ички бозорнинг мамлакатимизда ишлаб чиқарилган товарлар билан тўйинганлиги даражасини аниқлаш бўйича ўрганилди.

Ўрганиш Миллий статистика қўмитасининг 2023 йил учун sanoat маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажмлари маълумотлар базаси ҳамда Божхона қўмитасининг импорт ва экспорт маълумотларига асосан ўтказилди.

### **I. Футбол тўпи импорт ҳолати.**

2023 йилда **116 та** корхона томонидан **17 та** давлатдан қиймати **2,8 млн АҚШ доллари**га тенг бўлган **2,7 млн дона** футбол тўпи **импорт** қилинган. Импорт қилинган маҳсулотларнинг **69 фоизи** –Хитой, **27 фоизи** – Покистон, **4 фоизи** эса бошқа **15 та** давлатлар ҳиссасига тўғри келади.

Импортнинг концентрация даражаси ўрганилганда **энг йирик 5 та** импорт қилувчи корхона ҳиссасига жами импортнинг **44 фоизи** тўғри келган. Шунингдек, импорт асосида олиб келинган футбол тўпи **ўртача нархи 1 дона** учун **1,1 долларга** тўғри келган. 2023 йилда республикадан футбол тўпи экспорт қилинмаган.

### **II. Ички бозордаги рақобат ҳолати.**

Таҳлиллар доирасида футбол тўпи ишлаб чиқариш бозоридаги рақобат ҳолати халқаро тан олинган **ННИ (Ҳерфиндал-Ҳиршман индекси)** орқали баҳоланди.

Миллий статистика қўмитасининг расмий маълумотларига кўра, 2023 йилда **6 та** хўжалик юритувчи субъектлар томонидан футбол тўпи ишлаб чиқарилган.

Хўжалик юритувчи субъектлар сони ва ишлаб чиқариш ҳажмлари маълумотлари асосида **ННИ** ҳисобланганда, индекс натижаси **4 500 пунктга** тенг бўлганлиги ва ушбу товар бозорида **рақобат муҳити ривожланмаганлиги** аниқланди.

*Маълумот учун: **ННИ (Ҳерфиндал-Ҳиршман индекси)** бозордаги рақобат муҳитини баҳолаш ва концентрация даражасини аниқлаш учун фойдаланилади. Унга кўра, **ННИ** кўрсаткич **0 дан 1500 пунктгача** бўлганда **рақобат муҳити ривожланган**, **1500 дан 2500 пунктгача** бўлганда **рақобат муҳити етарлича ривожланмаган**, **2500 дан 10 000 пунктгача** бўлганда бозор **юқори даражада монополлашган** ҳисобланади.*

Шунингдек, ички бозорда антифриз ва музлашга қарши тайёр суюқликлар ишлаб чиқариш бозорининг **CR 2** кўрсаткичи **91** **фоизга** тенг бўлган.

*CR 2 кўрсаткичи - бозордаги энг йирик 2 та корхонанинг бозор улушлари йиғиндисига тенг.*

### **III. Ички бозорнинг мамлакатимизда ишлаб чиқарилган товарлар билан тўлганлиги даражаси.**

Миллий статистика қўмитаси ва Божхона қўмитасининг 2023 йил бўйича расмий статистика маълумотларига асосан ички бозорда ТИФ ТН коди 9506620000 остидаги футбол тўпининг мамлакатимизда ишлаб чиқарилган товарлар билан тўйинганлиги даражаси аниқланди.

*Маълумот учун, мамлакатимизда ишлаб чиқарилган товарлар билан тўйинганлиги даражасини аниқлаш Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2010 йил 20 декабрдаги 303-сонли қарорида белгиланган тартибда ҳисобланди.*

2023 йил давомида мамлакатимизда қиймати 59,3 млрд сўмлик **18 минг дон** футбол тўпи ишлаб чиқарилган.

Мазкур маълумотлар асосида футбол тўпининг мамлакатимизда ишлаб чиқарилган товарлар билан тўйинганлик даражаси 2023 йилда **0,7** **фоизни** ташкил этганлиги аниқланди.

*Маълумот учун, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2010 йил 20 декабрдаги 303-сонли қарорига асосан товар бозори ҳажмида мамлакатимизда ишлаб чиқарилган товарлар улуши 80 фоиздан кўп бўлганда бозор товар билан тўйинган ҳисобланади ва мазкур улуш ушбу кўрсаткичдан кам бўлганда товар билан тўйинмаган ҳисобланади.*

### **IV. Хулоса.**

ТИФ ТН коди 9506620000 остидаги футбол тўпининг тўйинганлик даражаси фақатгина **0,7** **фоизни** ташкил этиши ҳамда ички бозорда талабнинг юқорилиги сабабли, ушбу маҳсулотларни ишлаб чиқариш бўйича **янги лойиҳаларни амалга ошириш мақсадга мувофиқ ҳисобланади.**